
ВИЛОЯТ ҲОКИМИ ХАЙРУЛЛО БОЗОРОВ ФАРҒОНА ТУМАНИДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИДАГИ ЯНГИ ЛОЙИҲАЛАР БИЛАН ТАНИШДИ

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров вилоят секторлари раҳбарлари билан бирга Фарғона туманида қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган янги лойиҳалар билан танишди.

Туманнинг Илғор МФЙ ҳудудида “Фарғона Лимонлари-1” МЧЖ томонидан замонавий усулда қуриб битказилаётган иссиқхонада Корея иссиқхоначилик технологиялари жорий этилмоқда. 7 гектар майдонда амалга оширилаётган ушбу лойиҳа ташаббускорлари ҳар гектар иссиқхонада ҳосилдорликни 500 тоннага етказишни режа қилишган. Қуриб битказилаётган иссиқхона далаларида ҳозирда карамлар гуркираб ўсмоқда.

Вилоят раҳбари шунингдек, Юксалиш МФЙ ҳудудида “Fergana Oseana” МЧЖ ХК томонидан бошоқли дон экилган майдонга томчилаб суғориш технологияси (ёмғирлатиб суғориш) жорий этилиши жараёнларини ҳам кўздан кечирди.

Қиймати қарийб 1,7 млрд. сўм бўлган, 66,7 гектар майдонда амалга оширилаётган ушбу лойиҳа 1 гектар майдонга сув сарфини беш баробарга камайтириб, 600 кубометр ўрнига 120 кубометр сув билан суғориш имконини беради.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2022-09-16 09:05:59